

---

**ПАХТА-ТЎҚИМАЧИЛИК КЛАСТЕРЛАРИ  
ВА ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИ ЎРТАСИДА  
БИРЖА САВДОЛАРИ ОРҚАЛИ  
ТУЗИЛАДИГАН ФЬЮЧЕРС  
ШАРТНОМАЛАРИ БЎЙИЧА  
УСЛУБИЙ ҚЎЛЛАНМА**

«Адолат» миллий ҳуқуқий ахборот маркази  
ТОШКЕНТ – 2024

## КИРИШ

Сўнги йилларда қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш ва бозор механизмларини жорий этиш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилди.

Қишлоқ хўжалигида эркин бозор муносабатларини янада ривожлантириш, пахта-тўқимачилик кластерлари ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчилар ўртасидаги муносабатларни **бозор тамойиллари** асосида такомиллаштириш, тармоқда **соғлом рақобат муҳитини** шакллантириш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Бунга мисол тариқасида пахта хом ашёсини етиштирувчи хўжаликлар ва кластерлар ўртасида пахта хом ашёсини етказиб беришни **фьючерс шартномалари** орқали амалга оширишни кўрсатиш мумкин. Фермерлар бир вилоят ичидаги **хоҳлаган кластери** билан фьючерс шартномаси тузиши мумкин бўлди. Улар фьючерс шартномасидан ортган ҳосилни **биржа орқали сотишига** ҳам имконият яратилди.

Шунингдек, **2024 йил ҳосилидан** бошлаб пахтачилик йўналишида банклар томонидан фермер хўжаликларига ҳамда кластерларга **имтиёзли кредитлар ажратиш тизими** йўлга қўйилди.

Ушбу услубий қўлланма **тавсивий хусусията** эга ҳисобланади.

**ПАХТА-ТЎҶИМАЧИЛИК КЛАСТЕРЛАРИ ВА ФЕРМЕР  
ХЎЖАЛИКЛАРИНИНГ ШАРТНОМАВИЙ  
МУНОСАБАТЛАРИГА ДОИР ҚОНУНЧИЛИК  
ҲУЖЖАТЛАРИ**

	Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси
	Ўзбекистон Республикасининг “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги Қонуни <i>(янги таҳрири)</i>
	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 12 декабрдаги “Қишлоқ хўжалигида эркин бозор муносабатларини янада ривожлантиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-205-сон Фармони
	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 25 декабрдаги “Пахта хом ашёсини етиштириш ва пахта йиғим-терими харажатларини кредитлаш ҳамда уларни реализация қилишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги 680-сон қарори

## **МУНДАРИЖА**

ПАХТА-ТЎҚИМАЧИЛИК КЛАСТЕРИ ВА ФЕРМЕР ХЎЖАЛИГИНИНГ УМУМИЙ ТУШУНЧАСИ .....	4
ПАХТА ХОМАШЁСИНИ БИРЖА САВДОЛАРИДА СОТИШ .....	7
ТАРАФЛАРНИНГ ФЬЮЧЕРС ШАРТНОМАСИ БЎЙИЧА ЮЗАГА КЕЛАДИГАН НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ .....	13
БАНКЛАР ТОМОНИДАН ИМТИЁЗЛИ КРЕДИТ АЖРАТИШ .....	14
ТИЖОРАТ БАНКИ ТОМОНИДАН ҚАРЗ ОЛУВЧИНИНГ АРИЗАСИНИ КЎРИБ ЧИҚИШ ТАРТИБИ .....	16

# ПАХТА-ТЎҶИМАЧИЛИК КЛАСТЕРИ ВА ФЕРМЕР ХЎЖАЛИГИ ТУШУНЧАЛАРИ

## Фермер хўжалиги

**Фермер хўжалиги** — ижарага берилган ер участкаларидан фойдаланган ҳолда қишлоқ хўжалиги маҳсулотини етиштириш ҳамда қонунчиликда тақиқланмаган бошқа фаолият турлари билан шуғулланувчи **тадбиркорлик субъекти ҳисобланади.**

Фермер хўжалиги Ўзбекистон Республикасида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг асосий субъектидир.

Кўп тармоқли фермер хўжалиги қишлоқ хўжалиги маҳсулотини етиштириш билан бирга қишлоқ хўжалиги маҳсулотини **қайта ишлаш, сақлаш ва реализация қилиш, саноат ишлаб чиқариши, ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш** ва қонунчиликда тақиқланмаган бошқа фаолият турлари билан шуғулланиши мумкинлиги кўрсатилган.

## Пахта-тўқимачилик кластери

**Пахта-тўқимачилик кластери** — бир ёки бир нечта ташкилотлар томонидан пахта хом ашёсини етиштириш ва (ёки) шартнома асосида сотиб олишдан уни, шу жумладан бошқа хўжалик субъектлари билан ҳамкорлик асосида чуқур қайта ишлаш жараёнларини ўз ичига олган ишлаб чиқариш мажмуаси.

Пахта-тўқимачилик кластери қўйидаги шаклда ташкил этилади:

– ижарага олинган қишлоқ хўжалиги ер участкаларида пахта хом ашёсини етиштириш;

– қишлоқ хўжалиги ер участкаларини ижарага олмасдан пахта хом ашёсини шартнома асосида фермер хўжаликлари ва бошқа пахта хом ашёси етиштирувчи хўжалик субъектларидан сотиб олиш;

– ижарага олинган қишлоқ хўжалиги ер участкаларида пахта хомашёсини етиштириш ҳамда пахта хомашёсини етиштирувчилардан шартнома асосида сотиб олиш.

Пахта-тўқимачилик кластери фаолияти **қишлоқ хўжалиги вазири** билан келишган ҳолда **Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликларининг қарорлари** билан ташкил этилади.

Пахта-тўқимачилик кластери билан пахта хом ашёси етиштирувчиларнинг ўзаро муносабатлари тарафларнинг манфаатларидан келиб чиққан ҳолда пахта хом ашёсини етиштириш ва етказиб бериш бўйича қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ тузиладиган шартнома асосида амалга оширилади.

## **ШАРТНОМА ТЎҒРИСИДА УМУМИЙ ҚОИДАЛАР**



**Шартнома** – икки ёки бир неча шахснинг фуқаролик ҳуқуқлари ва бурчларини вужудга келтириш, ўзгартириш ёки бекор қилиш ҳақидаги келишуви ҳисобланади.

Фуқаролар ва юридик шахслар шартнома тузишда эркиндирлар.

Шартнома тузишга мажбур қилишга йўл қўйилмайди, шартнома тузиш бурчи Фуқаролик кодексида, бошқа қонунда ёки олинган мажбуриятда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Тарафлар қонунчиликда назарда тутилмаган шартномани ҳам тузишлари мумкин.

Шартноманинг шартлари тарафларнинг хоҳиши билан белгиланади, тегишли шартнинг мазмуни қонунчиликда кўрсатиб қўйилган ҳоллар бундан мустасно.

# ПАХТА ХОМ АШЁСИНИ БИРЖА САВДОЛАРИДА СОТИШ

## Пахта хомашёсини фьючерс шартномаси асосида сотишда қўлланиладиган тушунчалар:

✓ **«Агроплатформа» АТ** — Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг «Рақамли қишлоқ хўжалиги» ягона интеграция платформаси таркибига кирувчи ҳамда қишлоқ хўжалиги экинларини етиштириш учун **имтиёзли кредитларни ажратиш**, маҳсулот етиштирувчиларга **шаффофлик тамойилида** хизмат кўрсатиш имкониятларини таъминлаб берадиган **ахборот тизими**;

✓ **аванс** — сотувчи ва харидор томонидан киритиладиган, биржа воситачилик йиғимини ва томонларнинг закатини ўз ичига оладиган маблағ;

✓ **биржа** — «Ўзбекистон республика товар-хом ашё биржаси» АЖ;

✓ **биржа аъзолари** — биржа томонидан белгиланган тартибда биржа савдоларида иштирок этиш ҳамда дилер ва брокер сифатида биржа битимларини тузиш ҳуқуқига эга бўлган юридик шахслар;

✓ **Жамғарма** — Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармаси;

✓ **манипуляция** — биржа савдолари иштирокчиларининг қўшимча даромад олиш мақсадида нархларни сунъий



ўзгартиришга, бир даражада ушлаб туришга ва бошқа иштирокчиларнинг хатти-ҳаракатларига таъсир этишга қаратилган ҳаракатлари, шу жумладан, оммавий ахборот воситалари, ижтимоий тармоқлар, мессенжерлар ва Интернет жаҳон ахборот тармоғида қасддан ёлғон маълумотлар тарқатиш;

- ✔ **сотувчи** — пахта хом ашёсини етиштирувчилар;
- ✔ **харидор** — биржа савдолари орқали пахта хом ашёсини сотиб олувчи юридик шахслар;
- ✔ **фьючерс шартномаси** — пахта хом ашёсини етиштирувчилар ва пахта-тўқимачилик кластерлари ўртасида тегишли йил ҳосилининг йиғим-терими даврида пахта хом ашёсини етказиб бериш шarti билан **икки томонлама тузилган** ҳамда «Ўзбекистон республика товар-хом ашё биржа» АЖнинг алоҳида «**пахта хом ашёси секцияси**» орқали рўйхатдан ўтган шартнома;
- ✔ **spot шартномаси** — биржа товарларининг уларни кечиктирмасдан (бир ой ичида) етказиб бериш шarti билан тузиладиган олди-сотди битими;
- ✔ **стандарт биржа контракти** — биржа томонидан белгиланган тартибда котировкалаш варағига киритилган стандарт биржа контракти;
- ✔ **эълон қилинадиган нарх** — Нью-Йорк биржасида пахта толаси фьючерс котировкаларининг охириги 12 ойдаги ўртача котировкаси тўғрисида «Ўзбекистон республика товар-хом ашё биржаси» АЖнинг расмий веб-сайтига жойлаштириладиган маълумот;
- ✔ **23210** — Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан

қўллаб-қувватлаш жамғармасидан қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари учун ажратилган мақсадли маблағлар ҳисобварағи;

✔ **кредит буюртманомаси** — қарз олувчилар томонидан пахта хом ашёсини етиштириш ва пахта йигим-терими харажатларини ҳамда пахта хом ашёсини харид қилишнинг якуний ҳисоб-китоби учун кредит ажратиш мақсадида тижорат банки филиалларига «Агроплатформа» АТ орқали тақдим этилган буюртманомалар асосида тижорат банклари томонидан умумлаштирилган кредит буюртманомалари;

✔ **қарз олувчи** — пахта-тўқимачилик кластерлари билан **фьючерс шартномаси** тузган пахта хом ашёсини етиштирувчилар (*фермер хўжаликлари ва бошқа қишлоқ хўжалиги субъектлари*), уруғчилик хўжаликлари, пахта-тўқимачилик кластерлари;

✔ **молия йили** — биринчи январдан ўттиз биринчи декабрнинг охиригача бўлган вақтни ўз ичига олган давр.

## **Пахта хом ашёсини фьючерс шартномаси асосида сотиш**

Сотувчи **ҳар йили 1 ноябрдан бошлаб 31 декабргача** келгуси йил учун пахта хом ашёсини ўзининг ҳудудидаги (Қорақалпоғистон Республикаси ёки тегишли вилоят ҳудудида жойлашган) пахта-тўқимачилик кластерига сотиш бўйича стандарт биржа контрактини очиш учун биржага ариза билан мурожаат қилади.

❖ Фермер ва кластер ўзининг **электрон рақамли имзосидан** фойдаланган ҳолда биржанинг **uzex.uz** вебсайтидан рўйхатдан ўтади ва шахсий кабинет очади;

❖ Савдо натижаларига кўра фермерлар ва кластерлар ўртасида пахта хом ашёсини етказиб бериш бўйича **фьючерс шартномалари** тузилади.

Фьючерс шартномаси асосида пахта хом ашёсини биржа савдосига қўйиш учун **бошланғич нарх** эълон қилинадиган нархга қуйидаги жадвалда кўрсатиб ўтилган коэффицентни қўллаган ҳолда белгиланади.

### Пахта хом ашёсининг нав ва синфлар бўйича нархини ҳисоблаш коэффицентлари

(базис — 1-нав, 2-синф)

Навлар	Синфлар	Эълон қилинадиган нархга нисбатан қўлланиладиган коэффицент
1-нав	1-синф	1,026
	2-синф	1,000
	3-синф	0,800
2-нав	1-синф	0,938
	2-синф	0,860
	3-синф	0,791
3-нав	1-синф	0,822

	2-синф	0,731
	3-синф	0,517
4-нав	1-синф	0,612
	2-синф	0,475
	3-синф	0,363
5-нав	3-синф	0,254

Пахта хом ашёсининг биржа савдолари намунавий биржа контрактлари асосида амалга оширилади.

Контраклда **мажбурий** акс эттириладиган маълумотлар:

- ✓ пахта хом ашёси етиштириладиган ҳудуд;
- ✓ унинг лот миқдори;
- ✓ нави;
- ✓ тури;
- ✓ синфи (чигит нави);

❖ Шартномада кўрсатилган миқдордан ортиқча етиштирилган пахта хом ашёси фьючерс шартномаси тузилган кластерга **тўғридан-тўғри сотилиши** мумкин;

❖ Фьючерс **шартномаси тузмаган ҳолда**, ўз маблағлари ва тижорат кредитлари ҳисобига етиштирилган пахта хом ашёси етиштирувчилар томонидан **биржа орқали** эркин сотилади ёки **қайта ишланиши** мумкин;

❖ Пахта хом ашёсини қайта ишлашдан олинган **пахта толаси** ва **иккиламчи маҳсулотлар** (*чигит, линт ва ўлик пахта*) тўлиқ ҳажмда **биржа орқали** сотилади;

❖ Намунавий контракт сотувчининг аризасига асосан очилади.

## Шартномада қуйидагилар назарда тутилади:

- ✓ битим тарафлари (сотувчи/сотиб олувчиларнинг реквизитлари);
- ✓ шартнома предмети;
- ✓ тўлов муддат, етказиб бериш муддати;
- ✓ биржа битимининг ёпилиши;
- ✓ тарафларнинг жавобгарлиги;
- ✓ низоларни хал қилиш;
- ✓ форс-мажор ҳолатлари;
- ✓ шартноманинг амал қилиш муддатлари;
- ✓ коррупцияга қарши қўшимча шартлар;

**«Фьючерс» олди-сотди шартномаси  
намунаси бу ерда:**



❖ Фьючерс шартномасига асосан фермердан қабул қилинган пахта хом ашёси учун тўловларнинг **80%** пахта хом ашёси қабул қилиб олинган кундан бошлаб **уч иш кунидан** кечиктирмасдан, қолган қисми молия йилининг **31 декабрь кунига** қадар амалга оширилади;

❖ Кредит маблағлари агротехник тадбирлар доирасида товарлар, моддий ресурслар етказиб берувчилар ва хизмат кўрсатувчилар фермер томонидан **ихтиёрий танланади** (бундан уруғлик чигит мустасно);

❖ **Кредит буюртмалари** фермерлар, кластерлар ва уруғчилик субъектлари томонидан **«Агроплатформа»** орқали электрон шаклда тақдим этилади.

## ТАРАФЛАРНИНГ ФЬЮЧЕРС ШАРТНОМАСИ БЎЙИЧА ЮЗАГА КЕЛАДИГАН НИЗОЛАРИНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

Биржа савдоларини ташкил қилиш, шартномалар мажбуриятларини бажариш ва ҳисоб-китоб-клиринг хизматларини кўрсатиш жараёнида юзага келадиган **баҳс ва келишмовчиликлар** биржанинг **арбитраж комиссияси** ёки **суд** томонидан ҳал этилади.

Пахта хомашёсини қабул қилиш жараёнида эътирозлар юзага келганда, сотувчи ҳудудлардаги **Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекциясининг** малакали мутахассисларидан **иборат арбитраж гуруҳларига** мурожаат қилиши ва ҳулосасини олиши мумкин.

**Сотувчи ёки харидор тўловларни тўлаш ва маҳсулотни танлаш бўйича ўз мажбуриятларини бажармаган тақдирда:**

мажбуриятларни бажармаган томоннинг закат пуллари жабрланувчи фойдасига **жарима** сифатида ушлаб қолинади;

тузилган фьючерс шартномаси шартлари асосиз бажарилмаганда, биржа битими бўйича шартнома қийматининг **бажарилмаган қисмининг 10 фоизи** миқдорида жарима қўлланилади.

# БАНКЛАР ТОМОНИДАН ИМТИЁЗЛИ КРЕДИТ АЖРАТИШ

Кредит миқдори ҳар йили эълон қилинадиган нарх асосида **тупроқнинг бир бонитет баллига** нисбатан норматив ҳосилдорлигини (центнер/гектар) ҳисобга олган ҳолда белгиланади.

## ❖ ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИГА

✓ пахта хом ашёси етиштириш учун:

<b>60%</b>	пахта хом ашёси қиймати	<b>10%</b>	Йиллик, шундан 2% банк маржаси	<b>14</b>	ойга, шундан 12 ой имтиёз давр
------------	-------------------------------	------------	--------------------------------------	-----------	--------------------------------------

## ❖ КЛАСТЕРЛАРГА

✓ пахта хом ашёси хариди учун:

<b>80%</b>	пахта хом ашёси қиймати	<b>10%</b>	Йиллик, шундан 2% банк маржаси	<b>10</b>	ойга, шундан 6 ой имтиёз давр
------------	-------------------------------	------------	--------------------------------------	-----------	-------------------------------------

✓ пахта хом ашёси етиштириш учун (ер ижара ҳуқуқи бориға)

<b>60%</b>	пахта хом ашёси қиймати	<b>10%</b>	Йиллик, шундан 2% банк маржаси	<b>24</b>	ойга, шундан 18 ой имтиёз давр
------------	-------------------------------	------------	--------------------------------------	-----------	--------------------------------------

✓ пахта йиғим-терими учун:

**20%** пахта хом ашёси қиймати **10%** Йиллик, шундан **2%** банк маржаси **3** ойга

**пахта йиғим-терими учун** (ер ижара ҳуқуқи бориға):

**20%** пахта хом ашёси қиймати **10%** Йиллик, шундан **2%** банк маржаси **12** ойга, шундан **12** ой имтиёз давр

Кредитлар битимда белгиланган муддатда қайтарилмаса, кредитларнинг қайтарилмаган қисмига фоизлар Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг асосий ставкасига **1,5 баравар** қўшилган миқдорда ҳисобланади.

Кредитларнинг мақсадсиз ишлатилган қисмига қўлланиладиган **жарима миқдори** Жамғарма ва тижорат банки ўртасида тузиладиган битимда белгиланади.



# ТИЖОРАТ БАНКИ ТОМОНИДАН ҚАРЗ ОЛУВЧИНИНГ АРИЗАСИНИ КЎРИБ ЧИҚИШ ТАРТИБИ

Кредит олиш учун қарз олувчининг асосий талаб қилиб олингунча сақланадиган депозит ҳисобварағига хизмат кўрсатаётган тижорат банкига **«Агроплатформа» АТ** орқали ариза билан бирга қуйидаги **ҳужжатларни** тақдим этилади:

✚ пахта хом ашёсини етказиб бериш бўйича фьючерс шартномаси;

✚ пахта хом ашёсини етиштирувчилар, уруғчилик хўжаликлари ҳамда ер участкасига эгалик ҳуқуқи бўлган пахта-тўқимачилик кластерлари:

а) ер участкасига бўлган ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжат (*ер участкасини узоқ муддатли ижарага олиш шартномаси*);

б) туман (Қувасой шаҳар) ҳокимининг ёўза экинини жойлаштириш тўғрисидаги **электрон рақамли имзо билан** тасдиқланган маълумотномаси.

✚ пахта-тўқимачилик кластерлари пахта хом ашёсини харид қилишнинг якуний ҳисоб-китоби учун:

а) пахта хом ашёсини етказиб бериш бўйича фьючерс шартномаси;

б) пахта йигим-терими мавсумида электрон тарозидан қабул қилинган пахта хом ашёсини мажбурий ҳисобга олиш тизими орқали расмийлаштирилган электрон рақамли имзо билан тасдиқланган ҳужжат.

**Ҳар йили 15 сентябрга қадар** келгуси йил пахта ҳосили учун қуйидаги маълумотномалар «Агроплатформа» АТга жойлаштирилади:

- ✔ туман (Қувасой шаҳар) ҳокимликлари томонидан тегишли туман (Қувасой шаҳар) ҳокимининг ғўза экинни жойлаштириш тўғрисидаги маълумотномаси;
- ✔ туман (Қувасой шаҳар) қишлоқ хўжалиги бўлимлари томонидан тегишли ҳудуддаги тупроқнинг бир бонитет баллига нисбатан норматив ҳосилдорлиги (центнер/гектар) тўғрисидаги маълумотнома.

**Қарз олувчининг тўлов интизоми ва кредит тарихидан келиб чиққан ҳолда, қуйидаги таъминот турларидан бири қабул қилинади:**

- ✔ қарз олувчи томонидан олинган кредитни қайтармаслик хатарининг тижорат банки фойдасига суғурта қилинганлиги ёки қарз олувчининг бўлажак ҳосил суғурта қилинганлиги тўғрисидаги **суғурта полиси**;
- ✔ **мол-мулклари** (қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ ундирувга қаратилмайдиган мол-мулклар бундан мустасно);
- ✔ қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган **кафиллик** ёки бошқа таъминот турлари.

Барча зарур ҳужжатлар тақдим этилгандан сўнг тижорат банки томонидан қарз олувчининг аризаси **3 иш куни ичида** кўриб чиқилади. Агар кредит бериш рад этилганда, тижорат банки қарз олувчини **2 иш куни ичида** рад этиш сабабларини асослантирган ҳолда ёзма равишда хабардор қилади.

Кредитнинг мақсадсиз ишлатилган қисмига қўлланиладиган **жарима миқдори кредит шартномасида** белгиланади.



## Бу муҳим!!!



Пахта хом ашёсини етиштиришни молиялаштириш «**Агробанк**» **АТБ** билан бир қаторда бошқа давлат улуши устун келадиган тижорат банклари томонидан ҳам амалга оширилади;

Маҳаллий ҳокимликлар, маъмурий органлар томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 12 декабрдаги ПФ-205-сон Фармони талаблари бузилганда ёки аралашувлар кузатилганда, **Республика штаби (71-206-71-13)**га мурожаат қилиш;

2024 йил 1 январдан бошлаб, пахта хом ашёси етиштирувчиларни моддий ресурслар билан узлуксиз таъминлаш мақсадида, товар-хом ашё биржаларида **200 ва 500 кг**лик кичик лотларда минерал ўғитлар, ёқилғи мойлаш материалларининг доимий савдоларга барча ҳудудлар бўйича қўйилмоқда.

**ҚҚС** фермерларга **кластерлар томонидан** пахта ҳосили учун тўланган тўловга мутаносиб миқдорда ҳисобга олинади.

## МУЛОҚОТ УЧУН:

### ❖ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТОВАР-ХОМ АШЁ БИРЖАСИ



Ишонч телефони:

+998 (71) 213-33-03



Call-маркази:

+998 (71) 207-00-33

### ► ҲУДУДИЙ ФИЛИАЛЛАР

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН  
ФИЛИАЛИ:

+998 (61) 222-00-38

АНДИЖОН ФИЛИАЛИ:

+998 (74) 228-45-86

БУХОРО ФИЛИАЛИ:

+998 (65) 223-58-07

ЖИЗЗАХ ФИЛИАЛИ:

+998 (72) 223-76-99

ҚАШҚАДАРЁ ФИЛИАЛИ:

+998 (71) 207-00-33 (1801,  
1802)

НАВОИЙ ФИЛИАЛИ:

+998 (78) 770-30-41

ТОШКЕНТ ФИЛИАЛИ:

+998 (71) 207-00-33 (1080, 1081)

НАМАНГАН ФИЛИАЛИ:

+998 (71) 207-00-33 (1601,  
1602)

САМАРҚАНД ФИЛИАЛИ:

+998 (78) 210-01-30

СУРХОНДАРЁ ФИЛИАЛИ:

+998 (76) 221-26-40

СИРДАРЁ ФИЛИАЛИ

+998 (71) 207-00-33 (1201,  
1202)

ФАРҒОНА ФИЛИАЛИ:

+998 (71) 207-00-33 (1501,  
1502)

ХОРАЗМ ФИЛИАЛИ:

+998 (62) 228-11-31

### ❖ "АГРОПЛАТФОРМА" АТ



Call-маркази :

+998 (71) 206-70-07

АНДИЖОН, ФАРҒОНА, НАМАНГАН,  
ТОШКЕНТ, СИРДАРЁ: +998 (91) 600-76-66

ЖИЗЗАХ, САМАРҚАНД, ҚАШҚАДАРЁ,  
СУРХОНДАРЁ: +998 (93) 556-96-09

ҲУДУДЛАРГА  
БИРИКТИРИЛГАН  
МАСЪУЛЛАР

БУХОРО, НАВОИЙ, ХОРАЗМ,  
ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ:  
+998 (99) 702-84-24